

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВ АБДУРАШИД МУСАХОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДАГИ *SCUTELLARIA L.* ТУРКУМИГА
МАНСУБ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ФЛАВОНОИДЛАРИ ВА ҚУТЪСИЗ
БИРИКМАЛАРИ ҲАМДА УЛАР АСОСИДА САМАРАЛИ ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of dissertation abstract of doctor of sciences(DSc)

Каримов Абдурашид Мусахонович

Ўзбекистон флорасидаги *Scutellaria* L. туркумига мансуб ўсимликларнинг флавоноидлари ва кутбсиз бирикмалари ҳамда улар асосида самарали дори воситаларини яратиш истиқболлари.... 3

Каримов Абдурашид Мусахонович

Флавоноиды и неполярные соединения растений рода *Scutellaria* L. флоры Узбекистана и перспективы создания на их основе эффективных лекарственных средств..... 29

Karimov Abdurashid Musakhanovich

Flavonoids and non-polar compounds of plants of the genus *Scutellaria* L. of the flora of Uzbekistan and the prospects for the creation of effective medicines on their basis..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 58

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВ АБДУРАШИД МУСАХОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДАГИ *SCUTELLARIA L.* ТУРКУМИГА
МАНСУБ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ФЛАВОНОИДЛАРИ ВА ҚУТЪСИЗ
БИРИКМАЛАРИ ҲАМДА УЛАР АСОСИДА САМАРАЛИ ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.DSc/K88 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzicps.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ботиров Эркин Хожиакбарович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бобоев Баҳром Нуриллаевич.
кимё фанлари доктори

Нормаҳаматов Нодирали Соҳобаталиевич
кимё фанлари доктори

Раҳманбердиева Рано Каримовна
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ФА Биоорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020.K/T.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел. (+99871) 262-59-13, факс (+99871) 262-73-48), e-mail: plant.inst@icps.org.uz, ixrv@mail.ru.

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 77. Тел. (+99871) 262-59-13, факс (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилди.

(2022 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Н.К.Хидирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.н.

С.Ф. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
к.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда доривор ўсимликлар жаҳон амалиётида самарали дори воситалари яратиш алмаштириб бўлмайдиган ўзгармас манбалари бўлиб қолмоқда ва бу фармацевтика амалиётида муҳим ўрин тутди. Ўсимликлардан олинган дори воситалари инсон организмига ҳар томонлама комплекс таъсир кўрсатиши билан бирга, синтетик дори воситаларига нисбатан ножўя таъсирлари камроқ ва деярли зарарсиз ҳисобланади. Шунинг учун қимматбаҳо дори воситалари манбалари ҳисобланган доривор ўсимликларнинг янги турларини излаш, уларнинг биологик фаол моддаларини ажратиб олиш, кимёвий тузилишини аниқлаш, физик кимёвий ҳоссаларини ўрганиш ҳамда улар асосида самарали дори воситаларини яратиш замонавий биоорганик кимё, фитокимё ва тиббиёт олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳонда *Scutellaria* (кўкамарон русчада–илемник *Lamiaceae* оиласи) туркумига мансуб ўсимликларнинг 420 дан ортиқ тури мавжуд, уларнинг айримлари илмий ва халқ табobatiда қўлланилади. Россияда *S. baicalensis* илдизининг экстракти қон босимини пасайтирувчи ва тинчлантирувчи таъсирга эга дори воситаси сифатида фойдаланилади, *S. baicalensis* ва *S. barbata* ўсимлик илдизлари Хитой ва Япония фармакопояларига киритилган. *S. lateriflora* ўсимлигининг қуритилган ер устки қисми АҚШ да тинчлантирувчи, спазмолитик восита сифатида тутқаноқ ва асаб тизими касалликларини даволашда тавсия этилган.

Ўзбекистон ҳудудида *Scutellaria* туркумининг 38 тури ўсади, уларнинг айримлари халқ табobatiда тутқаноқ, аллергия, невроз, қон босими ошиши ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланилади. Ҳозирги кунга келиб *Scutellaria* туркумининг турли вакилларида флавоноидлар, фенилпропаноидлар, фенол кислоталар, иридоидлар, терпеноидлар, стероидлар, тритерпенлар, лигнанлар, алкалоидлар, фитостероллар, полисахаридлар, танинлар, эфир мойлари ва бошқа табиий бирикмалар ажратиб олинган. Ушбу туркумдаги ўсимликлар таркибидаги асосий биологик фаол моддалари полифенол бирикмалар (флавоноидлар, фенолкарбон кислоталар ва танинлар)дир. *Scutellaria* туркумига кирувчи ўсимликлардан ажратиб олинган экстракт ва индивидуал бирикмалар, яллиғланиш, тутқаноқ, бактерия ва вирусларга қарши ҳамда гепатопротектор, антиоксидант, таъсирга эга эканлиги аниқланган. Адабиётларда коронавирус инфекциясига *S. baicalensis* турининг самарадорлиги ҳақида маълумотлар чоп этилган. *S. baicalensis* флавоноидлари асосида скутелла, скурекус, релаксен, байкамин, зилинат, гистинат, байкафед, байкал кўкамарони экстракти, байкал кўкамарони дамламаси ва бошқа дори воситалари яратилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маҳаллий хом ашёлар асосида янги, импорт ўрнини босувчи дори воситаларини яратиш, аҳолини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар юксак илмий савияда амалга оширилмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»¹ги қарорлари ва 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, Фармонларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» ҳамда VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². *Scutellaria* туркуми ўсимликлари флавоноидларининг кимёвий тузилиши ва фармакологик фаолликларини ўрганиш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Hokuriku University, Toyama Medical and Pharmaceutical University, The Research Institute of Oriental Medicine (Япония), Shanghai Institute of Materia Medica Chinese Academy of Sciences, Shanghai Institute of Technology, Nanjing University of Chinese Medicine (Хитой), Catholic University of Daegu, Dongguk University-Seoul, Korea Research Institute of Bioscience & Biotechnology (Корея), National Taiwan Normal University (Тайван), CSIR-Indian Institute of Integrative Medicine (Ҳиндистон), Hacettepe University, Yeditepe University (Туркия), Россия Фанлар Академияси Умумий ва экспериментал биология институти, Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика Академияси (Россия), Дори воситалари ва тиббий маҳсулотлар Давлат илмий марказида (Украина) илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда хорижнинг кўплаб етакчи илмий марказларида *Scutellaria* ўсимлик туркумининг 80 дан ортиқ тури флавоноидлари ўрганилиб, улардан 420 га яқин бирикма ажратиб олинган ва кимёвий тузилиши исботланган. Булар орасида энг кўп тарқалгани ва батафсил ўрганилгани *S. baicalensis* ҳисобланади. *Scutellaria* туркумига кирувчи ўсимликларнинг флавоноидларини ўрганишда Shibata S., Kikuchi Y., Miyaichi Y., Tomimori T., Miao J., Zhou Z.H., Yang C.R., Zhang

¹ 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбалар материаллари асосида тайёрланган.

Ү.Ү., Литвиненко В.И., Оленников Д.Н., Чемесова И.И. ва бошқа олимларнинг ҳиссаси катта.

Республикамизда ушбу йўналишда кимёгарлар В.М. Маликов, Э.Х. Ботиров, М.П. Юлдашев, Ш.В. Абдуллаев, З.А. Кулиев, К.А. Эшбакова ва фармакологлар В.Н. Сыров, З.А. Хушбактова, Ю.Р. Мирзаев ва бошқалар томонидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Маҳаллий доривор ўсимликлардан фенол бирикмаларини ажратиб олиш, тузилиши ва биологик фаоллигини ўрганиш устида тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида байкалеин, вогонин каби флавоноидлар ҳамда уларнинг глюкуронидлари – байкалин ва вогонозид барча турдаги *Scutellaria* ўсимликларининг биологик фаол компонентлари эканлиги аниқланган. Байкалин липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнини Е витамин га нисбатан 375 марта кучлироқ пасайтиради, ороксиллин, skutеллареин, скуталлерин, байкалин, вогонин ва хризин ўсмаларга қарши фаолликни намоеън қилади. Вогонин флавоноиди нейропротектор ва психотроп таъсирга эга бўлиб, ГАМК-эргик рецепторларининг бензодиазепин марказларига фаол таъсир кўрсатади. *Scutellaria* турлари илдизининг экстрактлари ва алоҳида флавоноидларининг фармакологик фаоллиги кенг қамровли бўлиб, ҳозирга қадар тўлиқ ўрганилмаганлиги шу йўналишда илмий амалий тадқиқотлар олиб боришнинг долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ушбу диссертация диссертант томонидан Ўзбекистон флорасидаги *Scutellaria* туркумига мансуб ўсимликларнинг флавоноидлари ва бошқа биологик фаол компонентларини тадқиқ қилиш бўйича олиб борилган тизимли тадқиқотларининг давоми ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг куйидаги ФА-Ф7-Т184 “Ўзбекистон флорасидаги ўсимликларнинг терпеноид ва фенол бирикмалари кимёси” (2012-2016 йй) ва ПЗ-20170928194 “Гипоксияга қарши ва антиоксидант хусусиятли геранил дори воситасининг субстанцияси ва дори шаклини олиш технологиясини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй) фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади.

Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Scutellaria* L. туркумига мансуб 7 тур ўсимликларнинг флавоноидлари ва кутбсиз бирикмаларини ажратиб олиш кимёвий таркибини ва уларнинг тузилишини аниқлаш ҳамда улар асосида самарали дори воситалари яратиш мақсадида фармакологик фаолликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Дунё флорасидаги *Scutellaria* туркумига кирувчи ўсимликлар флавоноидларининг хемотаксономик хилма хиллиги ва ўрганилганлик даражасини таҳлил қилиш;

Scutellaria L. туркумига кирувчи еттита ўсимлик турларининг ер устки ҳамда илдиз қисмларини экстракция қилиш, экстрактларни фракцияларга

бўлиш, соф холдаги флавоноидларни устунли хроматография ҳамда бошқа усуллар ёрдамида ажратиш;

ажратиб олинган бирикмаларнинг молекуляр ва фазовий тузилишларини кимёвий ва замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида исботлаш;

ўсимликлар эфир мойлари компонентлари ҳамда гексан ва хлороформ экстрактлари таркибидаги учувчан бирикмаларни ГХ-МС усулида аниқлаш;

янги дори воситалари яратишда истиқболли бўлган бирикмаларни аниқлаш мақсадида ажратиб олинган бирикмаларнинг биологик ва фармакологик фаолликларини ўрганиш;

Scutellaria туркуми ўсимликлари биологик фаол флавоноидларининг миқдорини аниқлашнинг спектрофотометрик ва ЮССХ усулларини ишлаб чиқиш;

биологик фаоллик намоён қилган флавоноидларни олиниши бўйича лаборатория регламентларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда ўсувчи *Scutellaria* туркумига кирувчи 7 тур ўсимлик турлари танланган: *S. adenostegia* Briq., *S. comosa* Juz., *S. haematoclora* Juz., *S. immaculata* Nevski ex Juz., *S. intermedia* Popov, *S. nepetoides* Popovex Juz. ва *S. ocellata* Juz.

Тадқиқотнинг предмети *Scutellaria* туркумига мансуб ўсимликларнинг флавоноидлари, эфир мойлари ва учувчан бирикмалари, уларнинг кимёвий ва физик-кимёвий хоссалари ҳамда биологик фаолликлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажариш жараёнида экстракция, фракцияларга ажратиш, юпқа қатламли, устунли ва қоғоз хроматографияси усуллари, кимёвий (сифат ва госсипетин реакциялари, кислотали ва ферментатив гидролиз, ациллаш), физикавий (УБ, ИҚ, ^1H ва ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентгеноструктуравий таҳлил) ҳамда биологик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

дунё флорасидаги *Scutellaria* туркуми вакилларининг флавоноидларининг ўрганилганлик даражаси ва хемотаксономик хилма-хиллиги тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган, 80 дан ортиқ *Scutellaria* турлардаги 420 га яқин флавоноидларнинг ўсимликларда тарқалиши, кимёвий тузилиши ва олиниш манбалари тизимлаштирилган, олинган натижалар асосида «*Scutellaria* L. туркуми ўсимликлари флавоноидлари» номли монографияси тайёрланиб чоп этилган;

Ўзбекистон флорасидаги *Scutellaria* туркумига мансуб ўсимликларининг флавоноидларини ўрганиш давомида 3 тур ўсимликларининг (*S. adenostegia*, *S. comosa*, *S. intermedia*) флавоноидлари, эфир мойлари ва экстрактлари таркиби солиштирилган, икки тур ўсимлик эфир мойларининг компонентлари таркиби ҳамда битта ўсимлик турининг флавоноидлари биринчи марта тадқиқ қилинган;

Scutellaria туркумига мансуб учта тур ўсимлик таркибини кимёвий таҳлил қилиш натижасида 35 та флавоноидлар индивидуал холда, жумладан

14 та флавоноид, 4 та флаванон, 2 та флавонол ва 15 та флавоноид гликозидлари идентификация қилинган бўлиб, шулардан 2 таси янги бирикма ва 33 таси маълум бирикмалар эканлиги аниқланган;

кимёвий ўзгаришлар ва спектрал маълумотлар асосида янги бирикмалар 5,7,2'-тригидроксифлавоноид-2'-*O*- β -*D*-глюкуронопиранозид, скутеллулин-2'-*O*- β -*D*-глюкуронопиранозид ҳамда изоскутеллареин ва гиполаетинларнинг 7-*O*- β -*D*-глюкопиранозидлари ушбу туркум ўсимликларида биринчи марта аниқланган;

S. adenostegia ва *S. comosa* ўсимликларидан табиатда кам учрайдиган 5,8-дигидроксифлавоноидларнинг ҳосилалари – норвогонин, изоскутеллареин ва гиполаетинларнинг гликозидлари ажратиб олинган ҳамда уларнинг яллиғланиш ва гипоксияга қарши хусусиятлари аниқланган;

рентген тузилиш таҳлили усулида вогонин ва 5-гидрокси-3,6,7,8-тетраметоксифлавоноид кристалларининг молекуляр ва фазовий тузилишлари аниқланган;

илк бор *S. adenostegia* ер устки қисми эфир мойи компонентлари таркиби ўрганилиб, 33 та учувчан бирикмалар идентификация қилинган;

илк бор *S. comosa* ўсимлиги ер устки ва илдиз қисмининг эфир мойи, гексанли ва хлороформли экстрактлари таркиби тадқиқ қилиниб, мос равишда 34, 57 ва 20 та бирикмалар идентификация қилинган;

фармакологик тадқиқотлар натижаларига кўра, *S. comosa* ўсимлиги ер устки қисми флавоноидлари йиғиндиси адаптоген ва гипоксияга қарши, *S. adenostegia* ўсимлиги ер устки қисми флавоноидлари йиғиндиси эса яллиғланишга, гипоксияга қарши ҳамда дофамин ажралишини кучайтирувчи таъсирларга эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори самарали дори воситалари яратиш учун хом ашё манбаи бўла оладиган Ўзбекистон флорасидаги *Scutellaria* туркумига мансуб бир қатор истиқболли ўсимликларнинг флавоноидлари таркиби тадқиқ қилинган;

S. adenostegia ер устки қисми флавоноидлари йиғиндисини миқдорий аниқлашнинг спектрофотометрик усули ишлаб чиқилган;

S. adenostegia ер устки қисмидан ажратиб олинган флавоноидлар йиғиндиси анальгетик, яллиғланиш ва гипоксияга қарши ҳамда α -адренорецепторга таъсир қилмаган ҳолда Д-дофаминостимулловчи фаоллик намоён қилиб, Гинкго билоба ўсимлигидан олинган, амалиётда кенг қўлланилувчи дори воситасига нисбатан 2 марта кўпроқ фармакологик фаолликка эга эканлиги аниқланган;

S. comosa ер устки қисми флавоноидлари йиғиндиси адаптоген ва гипоксияга қарши фаолликка эга бўлиб, фаоллигига кўра замонавий тиббиётда қўлланилувчи элеутерококк экстрактидан сезиларли даражада устун эканлиги аниқланган;

Ўзбекистонда ўсувчи *S. comosa* ер устки қисмидан олинган флавоноидлари асосида гипоксияга қарши ва адаптоген таъсирли “Адаптен” дори воситаси ҳамда уни олишнинг лаборатория регламенти ишлаб чиқилган

ва ўсимлик хом ашёсидан адаптен таъсирга эга воситани олиш усулига ЎЗР патенти олинган;

чоп этилган “*Scutellaria* туркуми ўсимликлари флавоноидлари” монографияси табиий бирикмалар кимёси ва фармакология соҳасидаги мутахассислар ва талабаларга қўлланма сифатида фойдаланишга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий хроматографик, аналитик, физик-кимёвий ва биологик усулларни қўлланганлиги, эксперт мутахассисларнинг баҳолари ва тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилганлиги, халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда тақриз қилинувчи хорижий илмий нашрларда чоп этилганлиги, 1 та ЎЗР патенти олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, дунё флорасининг *Scutellaria* туркумига мансуб вакиллари флавоноидларининг ўрганилганлик даражаси ва хемотаксономик хилма хиллиги илмий-ўлчовларда таҳлил қилинган. Ўзбекистон флорасида мавжуд *Scutellaria* туркумига кирувчи учта ўсимлик турларининг флавоноидлари ва ГХ-МС усулида *S. adenostegia* ва *S. comosa* эфир мойлари, гексанли ва хлороформли экстрактлари таркибидаги учувчан бирикмалар аниқланганлиги билан изоҳланади.

«*Scutellaria* L. туркумига мансуб ўсимликлар флавоноидлари» монографияси, ва нашр қилинган мақолалар биоорганик кимё, фармацевтик кимё ва фитокимё соҳаларидаги ёш тадқиқотчилар, аспирантлар, магистрлар ва талабалар учун ўқув жараёнида ҳамда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда қўлланма сифатида фойдаланишга тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, фармакологик текширувлар натижасида адаптоген, дофамин-стимулловчи, яллиғланишга ҳамда гипоксияга қарши таъсирга эга флавоноидлар аниқланганлиги, *S. comosa* ер устки қисми флавоноидлари йиғиндиси асосида гипоксияга қарши ва адаптоген таъсирли «Адаптен» дори воситаси ишлаб чиқилганлиги ҳамда дори воситани олиш учун лаборатория регламенти ишлаб чиқилган.

S. adenostegia ўсимлиги ер устки қисми флавоноидлар йиғиндиси миқдорини аниқлашнинг спектрофотометрик ҳамда «Адаптен» дори воситаси субстанцияси таркибидаги флавоноидлар миқдорини норвогонин-*O*- β -*D*-глюкопиранозидга нисбатан аниқлашнинг ЮССХ усуллари ишлаб чиқилиб, улар ўсимлик хом ашёси ва доривор восита субстанциясига ВФМ лойихаларини тайёрлашда қўлланилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўзбекистон флорасидаги *Scutellaria* туркумига мансуб ўсимликларнинг флавоноидлари ва кутбсиз бирикмаларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Адаптоген таъсирга эга бўлган дори воситани олиш усули» учун ЎЗР ИМА дан ихтирога патент олинган (№ IAP 06277, 2020 й.). Натижада маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан дори воситаси яратиш имкони пайдо бўлган;

Диссертант томонидан олинган натижалар 2016-2020 йй. давомида бажарилган №ТА-ФА-Ф7-008 рақамли фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида қўлланилган ва ҳисоботларга киритилган (ЎЗР ФА 22 ноябр 2021 йилдаги №4/1255-3262 рақамли маълумотномаси), натижада гипоксияга қарши ва яллиғланишга қарши таъсирли моддалар аниқланган;

Scutellaria туркуми ўсимликларнинг флавоноидлари ва эфир мойларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар юқори импакт факторга эга нуфузли хорижий илмий журналларда чоп этилган 50 дан ортиқ илмий мақолаларда ўрганилаётган бирикмаларни таҳлил қилиш ва хулосаларини солиштириб, керакли илмий маълумотларни олишда фойдаланилган [Front. Pharmacol., 2020, V.11. IF-4.65; J. Ethnopharmacol., 2021, V. 265, RG, IF-3.52; Pharm. Biol., 2018, V. 56 (1), RG, IF-2.49; RSC Advances, 2019, 9(44), RG, IF-2.57; Holzforschung, 2020, 74 (2), RG, IF-1.78; Arab. J. Chem., 2016, 9, S411, RG, IF-1.02; J. Immunoassay Immunochem., 2017, 38 (5), RG, IF- 0.91 ва хоказо). Диссертацияда келтирилган илмий натижалардан турли ўсимликлардан ажратиб олинган флавоноидларнинг тузилиши ва биологик ҳоссаларини исботлаш имконини берган;

ўрганилган ўсимлик турларидан олинган янги флавоноидларнинг кимёвий тузилиши, физик-кимёвий хоссалари «Natural Compounds: Flavonoids. Plant Sources, Structure and Properties» (Springer, 2013, с. 57,59) луғатига киритилган ва халқаро «Dictionary of Flavonoids» (Taylor&Francis Group CRC Press) маълумотлар базасига 442201-59-4, 866621-11-6, рақами остида киритилган бўлиб, докторант ва магистрантларга янги табиий бирикмаларнинг тузилиши ва физикавий хусусиятларини тавсифлашда улардан фойдаланиш имконини беради;

Scutellaria туркуми ўсимликларнинг флавоноидларини ўрганилганлик даражаси ва хемотоксономик хилма хиллиги ҳақидаги маълумотларнинг илмий-ўлчовларда таҳлили натижалари обзор мақолада (Russian Journal of Bioorganic Chemistry, 2017, V.43, №7, Pp. 691-711), шунингдек, “*Scutellaria* L. туркуми ўсимликларнинг флавоноидлари” монографиясида ҳам кенг ёритиб берилган (Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2016, 180 б.). Мазкур монография ва чоп этилган мақолалар Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги ФГБОУ ВО «Самара давлат медицина университети»нинг ботаника, фармакогнозия ва фитотерапия асослари кафедрасида ўқув жараёнлари ҳамда диплом ва курс ишларини тайёрлашда қўлланилиб келинмоқда. (Самара давлат медицина университетининг 19 ноябр 2021 йилдаги № 1230/109-23-4721-сон маълумотномаси). Натижада аспирантлар ва магистрантларнинг диссертация ва битирув квалификацион ишларини тайёрлашда керакли илмий маълумот олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 34 та, жумладан, 18 та халқаро ва 16 республика илмий амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий ишлар чоп этилган: 1 та монография, 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКнинг

фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 7 та халқаро журналларда ва 6 таси хорижий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация 182 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объектлари ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулосалар қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Флавоноидларнинг умумий хусусиятлари, таснифи, биосинтези ва тузилишини ўрганиш усуллари”** деб номланган биринчи бобида флавоноидларни ўрганишнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Флавоноидларнинг таснифи, ўсимликлардан ажратиб олиш ва алоҳида бирикмаларга бўлиш усуллари, кимёвий ва спектрал (УБ, ИҚ, ^1H ва ^{13}C ЯМР спектроскопия, масс-спектрометрия) усулларида фойдаланган ҳолда уларнинг тузилишини аниқлаш йўллари ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“*Scutellaria* туркумига мансуб ўсимликлар флавоноидларининг структуравий хилма-хиллиги ва ўрганилганлик даражаси”** номли иккинчи бобда дунё флорасида *Scutellaria* туркумига мансуб флавоноидларнинг ўрганилганлик даражаси ва хемотаксономик хилма хиллиги тўғрисидаги маълумотларнинг илмий-ўлчовларда таҳлил натижалари келтирилган.

Диссертациянинг **“*Scutellaria* L туркуми ўсимликларнинг флавоноидлари, эфир мойлари бирикмалари ва экстрактлари”** деб номланган учинчи бобида ажратилган индивидуал флавоноидлар ва эфир мойларининг таҳлиллари баён этилган.

Биологик фаол флавоноидларнинг манбаларини излаш ва улар асосида янги самарали дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар яратиш мақсадида Ўзбекистонда ўсадиган *Scutellaria* туркумига мансуб 7 та тур ўсимликлар: *S. adenostegia* Briq., *S. comosa* Juz., *S. haematochlora* Juz., *S. immaculata* Nevski ex Juz., *S. intermedia* Popov, *S. nepetoides* Popov ex Juz., *S. ocellate* Juz флавоноидлари ўрганиб чиқилди. Тадқиқот объектларини танлашда, улардан амалиётда самарали фойдаланиш мақсадида ўсимликларнинг хом ашё базаси, табиий захиралари ва бошқа иқтисодий омиллар ҳисобга олинди.

Майдаланган ўсимлик ер устки қисми 1-схемага мувофиқ қайта ишланди. Флавоноидларнинг кутбсиз агликонлари хлороформ фракциясига, моногликозидларнинг кутбли агликонлари этилацетат фракциясига, кутбли моно-, дигликозидлари ва глюкуронидлари н-бутанол фракциясида аниқланди. Олинган фракцияларда ЮҚХ ёрдамида флавоноидлар мавжудлиги аниқлагандан сўнг, турли хил сорбентлар (силикагел, полиамид, сефадекс-LH-20) билан градиент эритувчилар системасида колонкали хроматография (КХ) қилинди.



1-Схема. *Scutellaria L.* туркуми ўсимликлари флавоноидларини ажратиб олишнинг умумий схемаси

Янги бирикмаларнинг тузилиши уларнинг спектрал маълумотларини ўрганиш ва кимёвий ўзгаришлар ўтказиш, шунингдек физик-кимёвий константаларни адабиёт маълумотлари билан солиштириш ва ҳақиқий флавоноид намуналари билан тўғридан-тўғри таққослаш орқали амалга оширилди. 1-жадвалда ўрганилган ўсимликларнинг рўйхати ва улардан ажратилган бирикмалар номлари келтирилган.

Ўрганилган *Scutellaria L.* туркуми ўсимликларидан ажратиб олинган
флавоноидлар

№	Ажратилган флавоноидлар	Ўсимликлар						
		<i>S. adenostegia</i>	<i>S. comosa</i> Juz.	<i>S. intermedia</i>	<i>S. intermedia</i>	<i>S. immaculat</i>	<i>S. nepetoides</i>	<i>S. ocellata</i>
№	1	2	3	4	5	6	7	8
1	ороксилин А (1)	нк		н			н	н
2	апигенин (2)	н		н		к	н	н
3	норвогонин (3)	н						
4	лютеолин (4)	н		к				
5	гиспидулин(5)	н	н	к				
6	скутеллареин (6)	н				к		
7	кверцетин (7)	н						
8	норвогонин 7- <i>O</i> -β- <i>D</i> -глюкопиранозид (8)	н	н			к		
9	изоскутеллареин 7- <i>O</i> -β- <i>D</i> -глюкопиранозид (9)	н	н					
10	скутелларин (10)	н					к	
11	(±)-5,2'-дигидрокси-6,7,6'-триметоксифлаванон (11)	к			н	к		
12	(-)-5,2'-дигидрокси-6,7,8,6'-тетраметоксифлаванон (12)	к				к		
13	хризин (13)	к		н		к		
14	вогонин (14)	к		к		к	н	н
15	хризин-7- <i>O</i> -β- <i>D</i> -метилглюкуронид (15)	к						
16	ороксилозид (16)	к				н		
17	вогонозид (17)	к		н		н		н
18	гиполаетин(18)		н					
19	скутеллареин-7- <i>O</i> -β- <i>D</i> -глюкопиранозид (19)		н			н		
20	гиполаетин- 7- <i>O</i> -β- <i>D</i> -глюкопиранозид (20)		н					
21	7- <i>O</i> -метилнорвогонин (21)			н				н
22	5,7,2'-тригидроксифлаванон (22)			н				
23	2(S)-5,7,2'-тригидроксифлаванон (23)			н				
24	байкалеин (24)			н				
25	скутевулин (5,7,2'-тригидрокси-8-метоксифлаванон) (25)			н				
26	хризин 7- <i>O</i> -β- <i>D</i> -глюкуронид (26)			н				
27	байкалеин-7- <i>O</i> -β- <i>D</i> -глюкуронид (байкалин) (27)			н		н	н	н
28	5,7,2'-тригидроксифлаванон 2'- <i>O</i> -β- <i>D</i> -глюкуронопиранозид (28)			н				
29	скутевулин-2'- <i>O</i> -β- <i>D</i> -глюкуронопиранозид (29)			н				
30	5,6-дигидрокси-7-метоксифлаванон (30)			к				
31	5-гидрокси-7-метоксифлаванон (пиностробин) (31)			к				
32	5,7,4'-тригидрокси-6-метоксифлаванон (дигидрогиспидулин) (32)			к				
33	5,6,7,4'-тетрагидроксифлаванон (дигидроскутеллареин) (33)			к				
34	7- <i>O</i> -β- <i>D</i> -этилглюкуронид воговнина (34)			к				
35	байкалеин 7- <i>O</i> -β- <i>D</i> -этилглюкуронид (35)			к				
36	ривулярин (5,2'- дигидрокси-7,8,6'- триметоксифлаванон) (36)				н			
37	5,2',6'- тригидрокси-6,7,8-триметоксифлаванон (37)				н			
38	диосметин-7- <i>O</i> -β- <i>D</i> - глюкопиранозид (38)				н			
39	норвогонозид (39)				н		к	
40	байкалеин-7- <i>O</i> -β- <i>D</i> -глюкопиранозид (40)					н		
41	космосин (41)					н		
42	иммакулосид (42)					н		
43	изоскутеллареин (43)					к		
44	вогонин-7- <i>O</i> -β- <i>D</i> - глюкопиранозид (44)					к		
45	непетозидА (45)						нк	
46	апигенин-7- <i>O</i> -β- <i>D</i> - глюкуронид (46)						к	
47	5-гидрокси-3,6,7,8-тетраметоксифлаванон (47)						н	
48	7- <i>O</i> -метилвогонин (48)							н
49	3,7,4'- тригидроксифлаванон(49)							н
50	цинарозид (50)							н

Эслатма: янги бирикмалар қуюқ харфларда белгиланган, (нк) ўсимликнинг ер устки ва илдиз қисмидан, (н) ер устки қисмидан, (к) илдиз қисмидан ажратилган флавоноидлар

Шундай қилиб, *Scutellaria* туркумига мансуб 7 та ўсимлик турларидан 50 та флавоноид, шу жумладан 18 та флавоон, 6 та флаванон, 3 та флавонол ва 23 та флавоон гликозид ажратиб олинди. Шулардан 5 таси адабиётларда маълум бўлмаган янги флавоноидлар: (28, 29, 42, 44, 45), ҳамда (9) ва (20) ушбу турдаги ўсимликдан биринчи марта ажратиб олинган.

***Scutellaria adenostegia* ўсимлиги ер устки ва илдиз қисми флавоноидлари**

S. adenostegia ўсимлиги ер устки қисмининг спиртли экстракти ЮССХ усули бўйича таҳлил қилинганда таркибида камида 15 та флавоноидлар мавжудлиги аниқланди.

Ўсимликнинг ер устки қисми спиртли экстрактдан ажратиб олинган этилацетатли фракциясини КХ усулида CHCl_3 -MeOH градиент системаси билан флавоноидлардан ороксилан А (1), апигенин (2), норвогонин (3), лютеолин (4), гиспидулин (5) ва skutеллареин (6) ва кверцетин (7) ажратиб олинди. Бутанолли фракциядан норвогонин 7-*O*-глюкозид (8), изоскутеллареин 7-*O*-глюкозид (9) ва skutелларин (10) ажратиб олинди.

Ўсимлик илдиз қисмининг хлороформли фракцияси КХ (адсорбент силикагел) ёрдамида гексан-хлороформ градиент системасида ювиш натижасида(±)-5,2'-дигидрокси-6,7,6'-триметоксифлаванон (11), (-)-5,2'-дигидрокси-6,7,8,6'-тетраметоксифлаванон (12), хризин (13) ва вогонин (14) ажратиб олинди. Этилацетатли қисмини фракцияларга бўлиш орқали апигенин (2) ва хризин-7-*O*-β-*D*-метилглюкуронид (15) моддалари олинди. Ўсимлик илдиз қисмини н-бутанолли фракциясини силикагел устуни ёрдамида CHCl_3 -MeOH градиент системасида ювиб, хризин-7-*O*-β-*D*-метилглюкуронид (15), ороксиланозид (16) ва вогонозид (17) ажратиб олинди.

1, 3, 5, 7, 8, 11, 12, 14, 15, 16, 17 флавоноидлар *S. adenostegia* ўсимлигидан биринчи марта ажратиб олинди. (9) флавоноид эса *Scutellaria* туркуми ўсимликларида биринчи марта аниқланди.

Флавоногликозид (9) кислотали гидролизидан изоскутеллареин ва *D*-глюкоза (43) олинди.

S. adenostegia ўсимлиги ер устки қисмидан ажратиб олинган флавоноидлар йиғиндиси дофамин-стимулловчи ва антигипоксик таъсирни намоеън қилган. *S. adenostegia* ўсимлиги ер устки қисми флавоноидлари миқдорий таркибини аниқлаш учун дифференциал УБ спектрофотометрия усули ишлаб чиқилди. Бу усул алюминий хлориднинг 1% ли спиртли эритмаси билан комплекс ҳосил қилиш реакциясига асосланган. Флавоноидлар миқдорини ҳисоблашда стандарт модда сифатида ЮССХ маълумотларига кўра *S. adenostegia* ўсимлигининг ер устки қисмида доминант флавоноид бўлган изоскутеллареин-7-*O*-β-*D*-глюкопиранозид (9) танланган. Алюминий хлорид эритмаси билан реакциядан сўнг ўрганилаётган спиртли экстрактлар ва стандарт намуна эритмасининг оптик зичлигини 346 нм да ўтказилди. Кўрсатилган тўлқин узунлигидаги ютилиш максимумлари амалда бир-бирига тўғри келди. Қуруқ хом ашёдаги флавоноидларнинг изоскутеллареин-7-*O*-β-*D*-глюкопиранозид (9) бўйича умумий миқдори (X) фоизларда қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$X = \frac{D \times K^V}{m} \frac{m_s}{D_s K_s^V} \frac{100}{100 - W} 100$$

Бу ерда :

D – текширилаётган эритманинг оптик зичлиги; **D_s** – стандарт намуна изоскутеллареин 7-*O*-β-*D*-глюкопиранозид (9) эритмасининг оптик зичлиги; **m** – хом ашё оғирлиги, г; **m_s**– изоскутеллареин 7-*O*-β-*D*-глюкопиранозид (9) стандарт намунасининг оғирлиги, г; **K^V** – текширилаётган эритманинг суюлтириш коэффициенти; **K_s^V** – изоскутеллареин 7-*O*-β-*D*-глюкопиранозид (9) стандарт намунаси эритмасининг суюлтириш коэффициенти; **W** – хом ашёни қуритишдаги оғирликнинг йўқотилиши, %.

Ўсимликнинг ер устки қисмидаги флавоноидларнинг умумий миқдори бевосита таҳлил усули бўйича – 9.30%, дифференциал усул бўйича – 8.13% (3 марта ўтказилган тажрибаларнинг ўртача қиймати) ташкил этди.

***Scutellaria comosa* ўсимлиги ер устки қисми флавоноидлари**

ЮССХ усули ёрдамида *S. comosa* ўсимлиги ер устки қисм спиртли экстракти таркибида 15 та флавоноидлар борлиги аниқланди.

S. comosa ўсимлиги ер устки қисмидан колонкали хроматография ёрдамида гиспидулин (5), норвогонин-7-*O*-β-*D*-глюкопиранозид (8), изоскутеллареин-7-*O*-β-*D*-глюкопиранозид (9), гиполаетин (18), скутеллареин-7-*O*-β-*D*-глюкопиранозид (19), ва гиполаетин-7-*O*-β-*D*-глюкопиранозид (20) флавоноидлари ажратиб олинди. *Scutellaria* L. туркуми ўсимликларидан флавоноид (20) биринчи мартаба аниқланди.

ЮССХ усули ёрдамида гувоҳ моддалар иштирокида ўрганилаётган флавоноидлари йиғиндиси таркибида ороксиллин (1), норвогонин (3), скутеллареин (6), хризин (13) ва вогонин (14) ҳам мавжудлиги аниқланди.

Фармакологик тадқиқотлар натижасида гиполаетин гликозиди яллиғланишга қарши, антиоксидант ва яраларни битирувчи ҳоссаларга эга эканлигини кўрсатди.

Флавоноидлар суммасини олиниш усуллари. Фармакологик тадқиқотлар натижасида *S. comosa* ер устки қисмидан ажратиб олинган флавоноидлар СФСC адаптоген ва гипоксияга қарши фаоллик намоён қилиши аниқланди. Шу асосда ўсимлик хом ашёсидан СФСC (“Адаптен” дори воситаси субстанцияси) олиш усули ишлаб чиқилди. Бу усул майдаланган, қурук ўсимлик хом ашёсини экстракция қилиш, экстрактларни буғлатиш, тозалаш ва керакли маҳсулотни ажратиб олишдан иборат. Маҳсулот сариқ тусдаги кукунсимон кристаллардан иборат бўлиб, ўзида норвогонин-7-*O*-β-*D*-глюкопиранозидга нисбатан ҳисоблаганда 57,4% флавоноидлар йиғиндисини сақлайди. Флавоноидлар йиғиндиси ЮССХ ёрдамида аниқланди. «Адаптен» дори воситаси субстанцияси таркибида норвогонин-7-*O*-β-*D*-глюкопиранозид, изоскутеллареин-7-*O*-β-*D*-глюкопиранозид ва гиполаетин-7-*O*-β-*D*-глюкопиранозидлар мавжуд.

«Адаптоген таъсирга эга восита олиш усули» бўйича патент олинди.

Scutellaria intermedia ер устки ва илдиз қисми флавоноидлари

S. intermedia флавоноидлари илгари тадқиқ қилинмаган бўлиб, ўсимлик ер устки қисми спиртли экстрактивнинг этилацетатли фракциясини турли сорбентлар иштирокида КХ қилиш орқали ороксиллин А (1), апигенин (2), хризин (13), -7-*O*-метилнорвогонин (21), 5,7,2'-тригидроксифлаван (22), 2(S)-5,7,2'-тригидроксифлаванон (23), байкалеин (24), скутевулин (25) флавоноидлари ажратиб олинди.


Спиртли экстрактивнинг *n*-бутанолли фракциясидан вогонин-7-*O*-β-*D*-глюкуронид (17), хризин-7-*O*-β-*D*-глюкуронид (26), байкалеин-7-*O*-β-*D*-глюкуропиранозид (28), 5,7,2'-тригидроксифлаван-2'-*O*-β-*D*-глюкуронопиранозид (28) и скутевулин-2'-*O*-β-*D*-глюкуронопиранозид (29) флавоноидлари ажратиб олинди.

S. intermedia, ўсимлигининг илдиз қисми 80% спиртли экстрактивнинг этилацетат ҳамда *n*-бутанолли фракцияларидан гиспидулин (5), лютеолин (4), вогонин (14), 5,6-дигидрокси-7-метоксифлаван (30), 7-*O*-метилнорвогонин (21), пиностробин (31), дигидрогиспидулин (32), 5,6,7,4'-дигидроскутеллареин (33), вогонин-7-*O*-β-*D*-этилглюкуронид (34), байкалеин-7-*O*-β-*D*-этилглюкуронид (35) флавоноидлари биринчи мартаба ажратиб олинди.

5,7,2'-тригидроксифлаван-2'-*O*-β-*D*-глюкуронопиранозид (28) янги флавоноиди тузилиши тахлили. Флавоноид (28) C₂₁H₁₈O₁₁ УБ-спектрада (λ_{max} 254, 260, 268, 326 нм) флаван ҳосилаларига хос ютилиш максимумлари кузатилди. AsONa ва AlCl₃ иштирокида олинган спектрларни ўрганиш орқали флаван ядросининг 5 ва 7-ҳолатларида эркин фенол гидроксил гуруҳлари мавжудлиги аниқланди. (28) нинг ИҚ спектрида флавоноидларнинг гидроксил, карбонил гуруҳлари- COOH, γ-пирон ҳамда ароматик C=C боғнинг ютилиш соҳаларига хос чизиқлар пайдо бўлди.

флавоноид ДМСО-*d*₆ эритувчисида олинган ¹H-ЯМР спектрида 5,7,2'-уч алмашинган флаван ядросига, 5-ОН хелат гидроксил гуруҳига (12.84 м.у.), аномер протонга (δ 5.12 м.у., 1H, д, 7.4 Гц) ва бошқа қанд қисми қолдиқлари протонларига хос сигналлар кузатилди.

ЮОХ да олинган натижалар ҳамда ИҚ, ¹H ва ¹³C ЯМР-спектрлари маълумотлари флавоноиднинг гликозид табиатга эга эканлигини, шунингдек, ИҚ спектрада 1742 см⁻¹ соҳада карбонил гуруҳи ютилиш максимумларининг мавжудлиги углевод қисми урон кислота қолдиғи билан ифодаланишини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, кислотали шароитда гидролиз натижасида (28) моддадан 5,7,2'-тригидроксифлаван (22) ва *D*-глюкурон кислота ҳосил бўлди:




2-Схема. 5,7,2'-Тригидроксифлаван 2'-*O*-β-*D*-глюкуронопиранозид (28) нинг кислотали гидролизи

^{13}C ЯМР спектрда (28) модданинг *D*-глюкурон кислотаси углерод атомлари сигналлари 99.2 (C-1''), 72.8 (C-2''), 75.4 (C-3''), 71.3 (C-4''), 75.7 (C-5''), 170.1 (C-6'') м.у. да кузатилди. (28) ва 5,7,2'-тригидроксифлавоонларнинг ^{13}C ЯМР спектрларини қиёсий ўрганиш ҳамда юқоридаги УБ-спектрал маълумотлар асосида углевод қолдиғининг флавоноидга бирикиш ҳолати аниқланди. Олинган спектрал ва кимёвий ўзгаришлар натижаларига кўра (28) модда 5,7,2'-тригидроксифлавоон 2'-*O*- β -*D*-глюкуронопиранозид бўлиб, у адабиётларда аввал келтирилмаган ҳамда 5,7,2'-тригидроксифлавооннинг гликозиди эканлиги исботланди. 5,7,2'-тригидроксифлавоон гликозидлари кўпинча *Scutellaria* туркуми ўсимликларида учрайди, масалан, *S. amabilis* ўсимлигидан 2'-*O*-глюкопираноза, *S. ramosissima* туридан эса 5,7,2'-тригидроксифлавоон 7-*O*-глюкопиранозид ажратиб олинган.

Скутевулин 2'-*O*- β -*D*-глюкуронопиранозид (29) янги флавоноидининг тузилиши таҳлили. У $\text{C}_{22}\text{H}_{20}\text{O}_{12}$ сарғиш аморф модда. Модданинг ИҚ-спектрида гидроксил, иккита карбонил гуруҳлари ҳамда ароматик $\text{C}=\text{C}$ боғларига хос ютилиш чизиғини намоён қилади. УБ- спектри ҳам (λ_{max} 223, 275, 316, 345 нм) флавоон ҳосилаларига хос бўлиб, унга CH_3COONa ва AlCl_3 қўшилганда батахром силжиши эса 5 ва 7-ҳолатларда эркин фенол гидроксил гуруҳлари мавжудлигидан далолат беради. Ушбу флавоноиднинг ^1H ЯМР спектрида 5,7,8,2'-тўрт алмашинган флавоонларга хос ядро, метоксил гуруҳи, 5 ва 7-ҳолатларда фенол гидроксил гуруҳи, аномер протон ва углевод қисмининг бошқа протонларига хос сигналлар мавжуд.

^{13}C ЯМР спектрда углерод атомининг 99.1 (C-6, C-1''), 72.6 (C-2''), 75.3 (C-3''), 71.3 (C-4''), 75.4 (C-5''), 170.3 (C-6'') соҳалардаги сигналлари (29) флавоноид таркибида β -*D*-глюкуронопиранозил қолдиғи тутганлигини англатади. (29) флавоноидни кислотали гидролизи натижасида скутевулин (25) ва *D*-глюкурон кислоталари ҳосил бўлиши орқали ҳам ўз тасдиғини топди. Скутевулин (25) ва флавоонгликозид (29) ^{13}C ЯМР спектрларини қиёсий ўрганиш натижасида глюкурон кислота қолдиғи фенол гидроксилга 2'-ҳолат бўйича бирикканлиги маълум бўлди:



3-Схема. Скутевулин 2'-*O*- β -*D*-глюкуронопиранозид (29) нинг кислотали гидролизи

Шундай қилиб, (29) бирикма скутевулиннинг янги табиий гликозиди бўлиб, скутевулин-2'-*O*- β -*D*-глюкуронопиранозид (29) тузилишига эга.

Скутевулин ва унинг гликозидлари *Scutellaria* туркуми ўсимликларида жуда кенг тарқалган. Скутевулиннинг 7-*O*- ва 2'-*O*-глюкопиранозидлари аввал *S. amabilis*, скутевулин 7-*O*-глюкуронопиранозид эса *Scutellaria* туркумининг 3 та турида борлиги аниқланган.

Scutellaria haematochlora ўсимлиги ер устки қисми флавоноидлари

S. haematochlora ўсимлиги ер устки қисми гуллаш даврида Фарғона вилоятининг Шохимардон кишлоғи атрофидан йиғиб олинган. Ушбу тур ўсимлигининг флавоноидлари илгари ўрганилмаган.

Ўсимлик ер устки қисми этанолли экстрактдан ажратиб олинган этилацетатли фракцияни силикагелли колонкада CHCl_3 -MeOH градиент системасида хроматография қилиб, (\pm)-5,2'-дигидрокси-6,7,6'-триметоксифлаванон (11) ривулярин (36) 5,2',6'-тригидрокси-6,7,8-триметоксифлаванон (37) диосметин-7-*O*- β -*D*-глюкопиранозид (38) ва норвогонозид (39) флавоноидлари ажратиб олинди.

Scutellaria immaculata ўсимлиги ер устки ва илдиз қисми флавоноидлари


S. immaculata Nevski. ўсимлиги ер устки қисми спиртли экстрактининг этилацетатли фракциясини силикагелли колонкада CHCl_3 -MeOH эритувчилар градиент системасида хроматография қилиниб ороксилозид (16) ва хризин-7-*O*- β -*D*-глюкуронид (26), *n*-бутанолли фракциядан норвогонин-7-*O*- β -*D*-глюкопиранозид (8), вогонозид (17), skutеллареин-7-*O*- β -*D*-глюкопиранозид (19), хризин-7-*O*- β -*D*-глюкуронид (26), байкалеин-7-*O*- β -*D*-глюкопиранозид (40), космосин (41) ҳамда иммакулозид (42) ажратиб олинди.

S. immaculata ўсимлиги илдизининг 90%- ли этанолдаги экстрактининг этилацетатли фракциясидан апигенин (2), skutеллареин (6), хризин (13), изосkutеллареин (43), (-)-5,2'-дигидрокси-6,7,8,6'-тетраметоксифлаванон (12), (\pm)-5,2'- дигидрокси-6,7,6'-триметоксифлаванон (11) вогонин (14), ва вогонин-7-*O*- β -*D*-глюкопиранозид (44) соф ҳолда ажратиб олинди.

S. immaculata ўсимлиги ер устки қисмдан 8 та ва илдиз қисмидан 8 флавоноидлар биринчи мартаба ажратиб олинди.

Иммакулозид (42) янги флавоноиди таҳлили. $\text{C}_{23}\text{H}_{24}\text{O}_{10}$ таркибли бу модданинг суюқланиш ҳарорати 197-199 °С. УБ-спектр сигналлари флаванон ҳосилаларига хос (λ_{max} 270, 331 нм; + CH_3COONa 271, 332 нм).

Флавоноид (42) нинг ДМСО - d_6 , да олинган ^1H ЯМР спектрида иккита метоксил гуруҳи протонларининг сигналлари аниқланди (3.85, 3.92 м.у. ҳар бири 3H, с, 2 та - OCH_3), H-3 (6.81 м.у. 1H, с), H-6 (6.72 м.у. 1H, с, H-6), *B* халқада алмашиниш кузатилмаган (7.52-7.74 м.у., 3H, м, H-3', H-4', H-5'; 7.92-8.15 м.у. 2H, м., H-2', H-6'), аномер протонларга хос (5.44 м.у., 1H, д, $J=6,5$ Гц, H-1") углевод қолдиғининг бошқа протонлари (3.38-4.00 м.у.). ИҚ ва ^1H ЯМР спектр маълумотлари флавоноиднинг *O*-гликозидлар табиатига мос эканлиги, моддани 5% хлорид кислотасида метанол сув эритмаси ёрдамида гидролиз қилинганда 7-гидрокси-5,8-диметоксифлаванон (42a) олинди, $\text{C}_{17}\text{H}_{14}\text{O}_5$ таркибли бу модда суюқ.ҳар 259-262°C га, M^+298 га тенг ва *D*-глюкоза ҳосил бўлди (4-схема). Бу гликозиднинг агликони 7-гидрокси-5,8-диметоксифлаванон *S. luzonica* Rolfe ўсимлиги илдизидан ажратиб олингани адабиётлардан маълум.




4-Схема. Иммакулозиднинг (42) кимёвий ўзгаришлари

Бирикма (42) сирка ангидриднинг пиридиндаги эритмаси ёрдамида ацилланганда $C_{31}H_{32}O_{14}$ таркибли тетраацетил ҳосилалари (42б) бирикма ҳосил бўлди ва бирикмани масс-спектр m/z 628 молекуляр ионнинг чўққиси билан бирга m/z 331, 271, 169, 109 бўлган характерли тетра-*O*-ацетилгексапираноза қолдиғига хос бўлган ионлар чўққилари аниқланди. Олинган натижалар бирикма монозид эканлигини кўрсатди.

1H ЯМР спектридаги аномер протоннинг сигнали дублет КССВ $J=6.5$ Гц эканлиги флавоглизид (42) да агликон билан гликозид қолдиғи *O*- β -гликозид боғ орқали боғланганлигини кўрсатади.

Юқоридаги маълумотлар асосида флавоглизид (42) тузилиши 5,8-диметокси-7-*O*- β -*D*-глюкопиранозилфлавоон янги табиий бирикма эканлиги аниқланди, унга иммакулозид деб ном берилди.

Вогонин-7-*O*- β -*D*-глюкопиранозид (44) янги флавоноиди тузилиши таҳлили. $C_{22}H_{22}O_{10}$ таркибли бу модданинг суюқланиш ҳарорати 147-149°C га тенг бўлиб,, *S. immaculata* ўсимлиги илдиз қисмининг спиртли экстрактини этилацетатли фракциясидан ажратиб олинган. УБ спектри (λ_{max} 276, 340 нм) флавоон ҳосилаларига хосдир. (44) бирикма 1H ЯМР спектрида протонларнинг қуйидаги сигналлари мавжуд Н-3 (7.05 м. у., 1Н, с), Н-6 (7.12 м.у., 1Н, с), *B* халқанинг бешта ҳолатдаги протон сигналининг кузатилиши алмашинмаган ҳолатни ифодалайди 7.57 (3Н, м, Н-3', Н-4', Н-5') ва 8.02 м.у. (2Н, м, Н-2', Н-6'), хелат гидроксил гуруҳига хос 5-ОН 12.83 м.у. (1Н, к. с) сигнали ҳам аниқланди, шу билан бирга қанд қисмини қолдиғи *D*-глюкоза бирикиш ҳолатини ифодаловчи аномер протонларига (5.30 м.у., 1Н, д, $J=7.0$ Гц, Н-1") ва қолган протонларига мос сигналлари (4.00-4.50 м.д., м) кузатилди. Юқоридаги маълумотлар бирикманинг гликозид табиатига эга эканлигидан далолат беради.



5-Схема. Вогонин-7-*O*- β -*D*-глюкопиранозиднинг(44) кимёвий ўзгаришлари

Гликозиднинг кислотали гидролизи натижасида агликон таркиби $C_{16}H_{12}O_5$, M^+ 284 массали, суюқланиш ҳарорати 200-202 °C бўлган вогонин (14) ҳосил бўлди ва стандарт намунаси билан тўғридан-тўғри таққослаш

натижаларига кўра тасдиқланди (5-схема). Гидролизатда *D*-глюкоза борлиги кузатилди.


Бирикмани сирка ангидридининг пиридиндаги эритмаси ёрдамида ациллаб пентаацетил ҳосила (**44a**) олинди (5-схема), масс спектрида m/z 656 бўлган молекуляр ионнинг чўққиси билан бирга m/z 331, 271, 169 ва 109 бўлган тетраацетил гексоза қолдиғининг фрагмент ионларининг зич чўққилари мавжуд. Гексозанинг фураноза шаклига хос бўлган m/z 245 ионнинг чўққиси кузатилмади, бу қанд қолдиғининг пираноза шаклида эканлигини кўрсатади. Шунга кўра, (**44**) бирикма моноглюкозиддир.

Кўриб чиқиладиган гликозид (**44**) молекуласида агликонга углевод қолдиғининг бирикиш жойи натрий ацетат иштирокида олинган УБ спектрини, агликон-вогонин (**14**) спектри билан қиёсий ўрганиш натижасида аниқланган. (**44**) бирикманинг спектрида агликон (**14**) спектридан фарқли равишда натрий ацетат иштирокида II-чизиқнинг батохром силжиш кузатилмади. УБ маълумотлари ҳамда ^1H ЯМР спектрада 5-ОН хелат гидроксил гуруҳига тегишли протон сигналининг 12.75 м.у. кенгайган шаклда кузатилиши углевод қолдиғи (**44**) молекуласидаги 7-ОН гуруҳига боғланганлигидан далолат беради.

Гликозид нинг ^1H ЯМР спектрида аномер протонларнинг 5.30 м.у да КССВ $J=7.0$ Гц га тенг бўлган дублет кўринишида намоён бўлиши, C1-моносахарид циклининг конформацияси, *D*-глюкоза гликозид марказининг β -конфигурацияга эга эканини кўрсатади. Шундай қилиб, гликозид (**44**) нинг тузилиши: 5-гидрокси-8-метокси-7-*O*- β -*D*-глюкопиранозилфлавонон эканлиги аниқланди.

Вогонин (**14**) кристалларини ўрганиш мақсадида рентгент структуравий таҳлил ўтказилди. Таҳлил натижасида вогонин - сув (1: 1.37) стехиометрик нисбатида бўлган кристаллогидратнинг янги шакли аниқланди (1-расм).

Адабиётларда келтирилишича вогонин (**14**) моногидрат кристалларида сув молекуласи ўзаро вогонин молекуласи билан водород боғлари орқали боғланиб, чексиз фазовий тўр ҳосил қилади. Биз томонимиздан олинган вогонин (**14**) намуналари кристалларида сув молекулалари жойлаштирилиши мумкин бўлган кенг каналлар мавжуд. РТТ натижалари Кембриж кристаллар тузилиши маълумотлар банкига CCDC1521113 депозит рақами билан киритилди.



1-Расм. Вогонин (14) кристаллининг фазовий тузилиши

Адабиётларда келтирилган вогонин моногидрати кристалларида сув молекулалари ўзаро ва вогонин молекулалари билан водород боғлари орқали боғланиб, чексиз фазовий панжараларни ҳосил қилади. Тадқиқотларимиз натижасида олинган вогонин намунасининг кристалларида кенг каналлар мавжуд бўлиб, уларда сув молекулалари жойлашган. РТТ натижалари

Кембриж кристаллар тузилиш маълумотлар банкида CC DC 1521113 депозит рақами остида сақланди.

Scutellaria nepetoides ўсимлиги ер устки ва илдиз қисми флавоноидлари


S. nepetoides ўсимлигининг ер устки қисми 80% ли спиртли экстрактининг хлороформли фракциясидан 5-гидрокси-3,6,7,8-тетраметоксифлавон (**47**), этилацетатли фракциясидан- ороксилин А (**1**), апигенин (**2**), вогонин (**14**), *n*-бутанолли фракциясидан эса байкалин (**27**) ва непетозид А (**45**) ва апигенин-7-*O*-β-*D*-глюкуронид (**46**) ажратиб олинди. Ушбу ўсимликнинг илдиз қисмидан skutелларин (**10**), норвогонозид (**39**), непетозид А (**45**) ва апигенин-7-*O*-β-*D*-глюкуронид (**46**) ажратиб олинди.

Непетозид А (**45**) янги флавоноиднинг тузилиши таҳлили. Модда C₂₁H₁₈O₁₁ таркибли бўлиб, суюқланиш ҳарорати 204-206° С, УБ спектри [λ_{max} (этанол) 277, 314 нм] флаворин хосилаларига хос. (**45**) модданинг ИҚ спектрида гидроксил гуруҳларига (3358 см⁻¹), С=О карбоксил гуруҳ (1729 см⁻¹), С=О γ-пирона (1664 см⁻¹), ароматик С=С-боғлар (1612, 1575, 1492, см⁻¹) ва С-О гликозид боғларга (1070, 1038 см⁻¹) хос бўлган ютилиш чизиқлари аниқланди.

Непетозид А (**45**) нинг ¹Н ЯМР спектрида 5,7,8-учта алмашинган флаворин ядросига хос бўлган: Н-6(6.77 м.у., 1Н, с), Н-3 (6.85 м.у., 1Н, с), Н-3',4',5' (7.39 м.у., 3Н, м) ва Н-2',6', (7.70 м.у., 2-Н, м) сигналлар кузатилди. Спектрда шунингдек, моносахарид қолдиғининг Н-1'' аномер протонига (5.95 м.у., 1Н, д, J=7.0 Гц) ҳамда 5-ОН хелат гидроксил гуруҳи протонига (12.85 м.у., 1Н, кенг.с) мос келувчи сигналлар намоён бўлди.

ИҚ ва ¹Н ЯМР спектр маълумотлари (**45**) модда монозид эканлигидан далолат берди.

Непетозид А нинг кислотали гидролизи натижасида таркиби C₁₅H₁₀O₅, M⁺270, суюқланиш ҳарорати 250-252° С бўлган агликон олинди ва у норвогонин (**3**) сифатида идентификация қилинди (6-схема).



6-Схема. Непетозид А (**45**) кислотали гидролизи

ҚХ ва ЮҚХ усулларида гидролизат таркиби гувоҳ моддалар билан таққосланганда *D*-галактурон кислотаси борлиги аниқланди. Непетозид А (**45**) ва унинг агликони норвогонин (**3**) *n*-бензохинон эритмаси билан госсипетин сифат реакциясида ижобий натижа беради, бу эса ушбу бирикмаларнинг С-5 ва С-8 ҳолатларда эркин гидроксил гуруҳлари мавжудлигидан далолат беради.

